

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АЛИШЕР
НАВОЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ И Н С Т И Т У ти

Қўлъёзма хукукнлд УДК 340.113/20/575.1) +811.512.133/20/

ҒУЛОМОВА ГУЛНОРА ЁҚУБОВНА

**ЎЗБЕК ЮРИДИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИННИГ ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ
ТАРАҚҚИЁТИ**

10.02.02 — ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент -- 2005

Диссертация Тошкент давлат горидик институти "Ўзбек тили ва адабиёти"
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди, профессор К.ИАЗАРОВ

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори,

профессор Р.ДОНИЁРОВ

филология фанлари доктори **Ш.КЎЧИМОВ**

Етакчи ил.мий муассаса — Ўзбекистон Миллий университети

Химоя 2005 йил феврале ойининг 25 куни соат 14.00 да

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти хузуридаги ДК 015.04.02 ракамли докторлик
ilmий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича
ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 700170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9 —уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент шаҳри, И.Мўминов
кўчаси, 13—уй).

Автореферат 2005 йилнинг ойининг _куни
гарқатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш илмий котиби, филология 1

Н.МАҲҚАМОВ

фанлари номзоди

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарбили. Тилнинг тараққиёти жамиятнинг, миллатнинг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Истиқлол тилни маънавият гулшанига айлантириди. Миллий тил мустақилликнинг энг муҳим рамзларидан саналади. Давлат тили мақоми эса унинг ҳар томонлама ривожини кафолатлади. Ўзбек тилининг истиқлол даври тараққиёти бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Бундай истиқболли ривожланиш (ислоҳ, ўзгариш, такомиллашув), даставвал, унинг лексикасида, терминологик системаларида акс этди ва акс этмоқда. Айниқса, демократик давлат ва хуқуқий жамият қуриш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда юридик тил, юридик терминологиянинг ривожланиши ва ўзбек юридик терминлари тизимишинг кун сайин ўсиши, норматив — хуқуқий терминларни қўллашдаги қатор муаммолар шу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда. "Ўзбек юридик терминологиясининг Истиқлол даври тараққиёти" мавзуси шундай муаммолардан биридир.

Сир эмас, ҳозирги юриспруденция ўтган асрнинг 20 — 30 — йилларидан кейин шаклана бошлаган эди. Шунга боғлиқ равишда ҳозирги ҳолатидаги юридик терминология ҳам шаклана бошлади. Таъкидлаш жоизки, бу соҳа терминологиясининг шакланиш жараёни осонлик билан кечмади. Алгов — далгов йилларда юридик тушунчаларни адабий лексемалар ҳисобига ифода қилишга уринилди, шундай терминларни туркийлаштиришга ҳаракат қилинди, ёппасига русчалаштириш йўлидан борилди. Бироқ Мустақилликка эришилганлиги шарофати билан ўз Конституциямизнинг яратилганлиги, янгидан — янги қонунчилик актлари ва хужжатларнинг қабул қилинаётганЛиги, содир бўлаётган ижтимоий —сиёсий, моддий — маданий, маънавий — маърифий ислоҳотлар ўзбек тилининг . соҳалар терминологиялари, хусусан, юридик терминологиясининг шаклланиб етиши, ривожи ва тараққиёти учун ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб қолди.

Истиқлол туфайли юриспруденцияга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Миллий қонунчилигимиз шаклланди, ривожланди ва ривожланмоқда ва, энг асосийси.мамлакатимизда инсон хуқуқларини илмий ўрганиш давлатимиз сиёсатининг муҳим вазифасига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан мазкур масалага жуда катта эътибор берилмоқда. Инсон хуқуқларига оид қатор тадбирларнинг амалга оширилиши, қонуний хужжатларнинг яратилиши, суд — хуқуқ ислоҳотларининг ўtkазилиши, хуқуқшуносликка оид дарслик ва қўлланмаларнинг нашр этилаётганлиги, қатор луғатларнинг юзага келганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

«Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ —хуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни хуқуқий маданият, хуқуқий онг, хуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт», — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов'.

' Каримов И.А. Миллий исгиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: Ўзбекистон, 2000. — 23 —бет.

Бу шарафли ишни амалга оширишда юридик терминологиянинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу борада тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб

этади. Президентимизнинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик: “Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир”¹.

Бу муроҳаза тилшуносликнинг барча соҳалари, жумладан, терминологик системалари борасида тадқиқот ишларини янада чукурлаширишга чорлайди. Чунки соҳавий терминологияларни атрофлича ўрганиш тил, лексика сиру асрорларининг янги қирраларини очиш имконини туғдиради.

Фан ва техника, ишлаб чиқаришнинг ривожи, аввало, тилда акс этади. Бунда терминологиянинг аҳамияти беқиёсдир. Тилшунослигимиизда бу соҳа бўйича кўплаб ишлар бажарилди. қатор илмий тадқиқотлар соҳалар терминологияларининг ривожи учун катта ҳисса бўлиб қўшилди. Мазкур ишларда соҳавий терминологик системалар таҳлил қилиниб, лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Бу тадқиқотлар фан ва техниканинг муайян бир тармоғи терминлари ривожига ижобий ҳисса қўшгани шубҳасиздир.

Тўғри, ўзбек тилшунослигига юридик терминлар ҳам тадқиқотчиларнинг дикқат марказида бўлиб келди. М.Қосимованинг номзодлик², Ш.Қўчимовнинг номзодлик³ ва докторлик⁴ диссертациялари шулар жумласидандир. Мазкур ишларда ҳуқуқшунослик соҳасида қўлланаётган терминлар атрофлича тадқиқ этилган бўлишига қарамай, бу борада ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топа олмаган қатор муаммолар мавжуд.

Юридик терминларнинг шаклланиш тарихи, терминлараро маъновий муносабатлар, умумҳуқуқий тезаурус яратиш тамойиллари кабилар ана шундай муаммолардандир. Шунингдек, давр талаби билан юридик терминларнинг ясалиш масалаларини янада чукурроқ, атрофлича ўрганиш ҳам даркорлигини таъкидлаш ло зим.

Фаннинг барча тармоқларига оид терминларни, шу жумладан, ўзбек юридик терминларини ҳам тартибга солиш терминшунослар олдида турган, ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалалардандир.

Юридик соҳа ривожланар экан, юридик тил ҳам унга ҳамоҳанг ривожлана боради, юридик терминология равнақ топа боради.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасидир: Маъruzalар, нутклар, сухбатлар. — Т.: Ўзбекистон, 1995. — 55 —бет.

² Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1985.

³ Қўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси конунларининг тили: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. - Т., 1995.

⁴ Қўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий — назарий муаммолари (лингво — юридик таҳлил): Филол. фанлари доктори дис. ... автореф. — Т., 2004.

Қайд этилганлар танланган мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Диссертацияшшг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади ўзбек тили юридик терминологиясини яхлит система сифатада тадқиқ этиш ва юридик терминларни тартибга солиш тамойилларини аниқлашдан иборат Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажаришга ҳаракат қилинди:

- а) ўзбек юридик терминологиясини система сифатида тадқиқ этиш;
- б) юридик терминлар тарихига экспурс қилиш;
- в) юридик терминологиянинг мавзуй гурухларини конкретлаштириш;
- г) терминларо маъновий хусусиятларнинг турларини аниқлаш;
- д) терминлар гипонимиясини ёритиш;
- е) терминлар синонимиясини ўрганиш;
- ё) терминлар антонимиясини тақлил қилиш;
- ж) юридик терминларнинг ички ва ташқи имкониятлар ҳисобига бойиши йўлларини янада чукурроқ ўрганиш;
- з) юриспруденцияга оид луғатлар ва қомусларни таҳлил қилиш, уларнинг сифатини ошириш бўйича тавсиялар бериш;
- и) умумҳуқуқий тезаурус яратиш муаммоси ва уни ҳал этиш масалаларини ёритиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбек талининг юридик терминологияси яхлит бир система сифатида ўрганилди қамда илк бор терминларни тартибга солишга қаратилган умумҳуқуқий тезаурус тузиш масаласи ўртага қўйилди. Ишдаги янгиликлардан яна бири юридик терминларнинг ўзаро маъновий муносабатларини очиб берувчи омиллар (гипонимия, синонимия, антонимия) тадқиқ этилганлигидадир. Ишда юриспруденцияга оидлуғатва қомуслар таҳлил қилиниб, уларнинг сифатини оширишга урғу берилди.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қўйидагилар билан белгиланади.

- ўзбек тили илмий терминологияси, энг аввало, ўзбек юридик терминологиясининг илмий — назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишда;
- юриспруденция соҳаси вакилларининг касбий (нутқий) маҳоратини оширишда;
- қонун чиқарувчи мутахассислар, ўзбек юридик лексикаси ва лексикографияси муаммолари билан шуғулланувчилар учун маълум аҳамият касб этиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари юридик соҳадаги академлицей, касб хунар коллежлари, олий ўқув юртлари талabalари учун ўқув қўлланмаси вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот манбай. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўзбек қонунчилигига оид хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси кодекслари, Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси тавсиялари, юридик терминлар луғатлари ва қомуслари, айрим тарихий ёдномалар диссертациянинг асосий манбалари ҳисобланади.

Шунингдек, ишда оммавий ахборот воситаларида қўлланаётган юридик терминлар, уларнинг ишлатилиш ўрни ҳам кузатилди, айrim бадиий асарларда ўз ифодасини топган юридик соҳа терминлари ҳам жалб этилди.

Тадқиқот методи. Мазкур ишда ўзбек тилининг юридик терминологик системасини диахрон план (айrim тарийхий далиллар жалб этилган ҳолда)да тадқиқ этиш методидан, шунингдек, диссертацияни амалга оширишда далилларни қиёслаш усулидан ҳам фойдаланилди.

Ишни яратишида тилшунослар ҳамда ҳуқуқшуносларнинг ишларидан фойдаланилди («Библиография»даакс этган).

Тадқиқотнинг жорийланиши. Иш мавзуси Тошкент давлат юридик институти «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасининг йиғилиши, институт Ижтимоий — гуманитар фанлар илмий кенгashi ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти мувофиқлаштирувчи кенгashiда тасдиқланган. Тадқиқот Тошкент давлат юридик институтида бажарилди ва шу институтнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди. Унинг асосий мазмуни муаллифнинг эълон қилинган 22 та мақола ва 1 та рисоласида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг таркиби. Диссертация илмий ишнинг умумий тавсифи, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг биринчи боби «Юридик терминларнинг мавзуй гурухлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари» деб номланган.

Мустақилликка эришилганлиги туфайли ўзбек тилининг қатор соҳавий терминологияларида, жумладан, юридик терминологик системасида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлади. Бундай ўзгаришлар қуидагилардан иборат.

Биринчидан, миллий ўзни англаш, янгича мафкура, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш амалиёти натижасида юриспруденцияга алоқадор якка ва бирикма терминлар қўллана бошлади: *сертификат, лизинг, санация, факторинг, макроиҳтисодиёт, депозитарий, мулк сугуртаси, давлат тасарруфидан чиқарии, уй—жойни хусусийлаштириши, мулк ижараси, ҳиссадорлик жамияти, гипотека шартномаси, аксилреклама, ашёвий кредит, божхона тизими, бартер, бартер битимлари*.

Иккинчидан, қайд этилган сабабларга қўра, юридик терминологияда қатор терминлар янгича маъноларида ишлатила бошланди. Биржса терминига ЎТИЛда шундай изоҳ берилган: «Капиталистик мамлакатларда: қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар савдо — сотик қилинадиган йирик савдо муассасаси (I, 118)». Энди мазкур терминнинг ҳозирги, замонавий тавсифига эътибор берайлик: «Аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо — сотик ўтказиш оркали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш шарт—шароитларини яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхона» (ЮАҚЛ, 69).

Лввало шуни таъкидлаш лозимки, инсониятнинг шаклланиши билан жиноятчилик ҳам юзага чиқсан. Натижада аста — секин жиноятчини жазолаш

мақсадида ўзига хос ҳуқуқий нормативлар ҳам шаклана бошлаган, Ёзма ёдгорликларда, ҳозирги тил билан айтганда, юриспруденцияга алоқадор тушунчаларни ифодаловчи лугавий бирликларнинг қайд этилганлиги фикримизнинг далилидир. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк»¹ номли капитал асарида қатор терминлар ёхуд терминларнинг феъл шакллари >'з ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим. Мана буларнинг айримлари: /чаш эр — жосус, айгоқчи, рмафар — шоҳ элчиси, ;алаш' эр — ҳар нарсада одамга дарров түхмат қилувчи, бадгумон шахс, кфтув/ад/ — ҳаҳйқат ҳисоблади, кучад/ — зўрлик қилди, бошатт/ — талоқ қилди, бошуғу — бўшатиш, озод қилиши ва б.

Буюк аллома Алишер Навоий асарларида ҳуқуқшуносликка бевосита алоқаси бўлган юзлаб тсрмии ишлатилган. Жумладан, унинг «Маҳбуб ул — қулуб» номли асарида қозилар ҳақидаги ўн иккиичи фаслда шундай дейилган: ҳози ислом биносиға аркондур ва мусулмонлар хайр ва шарриға (яхшилик ва ёмонлик) ноғизи фармондур (хукм юритувчиидир)... Шаръий ҳийлалар (ҳийлаи шаръий) гуруҳидин кўнгли очуқ, фуқаҳо тазвирлари (муфтилар найранглари) тиyrалигидин замари ёруқ. Рашибахур (порахур) муфтилар қошида манкуб ва ҳийлакор вакиллар — олдида маъюб (айбдор). Оми ҳозики май ичкай — ўлтургулукдур ва дўзах ўшига етмасдин бурун куйдургулукдур¹.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Ўзбекистон ҳам Россия тасарруфига ўтказклгач, юриспруденция соҳасида унинг қонун — қоидалари жорий этила бошланди. Шу муносабат билан ўзбек тилида чоп этилган газета ва журнallарда янгича юридик терминлар қўллаиша бошлади. Бундай терминаларнинг бир қисми русча —байнамилал шакл (талаффузи ўзбек тилига мослаштирилган ҳолда) да ишлатила бошланди: *авоҳта (< гауптвахта), адвокат, аксийа, арист // аристон, банҳрӯт, вайанной сўд, депламат, закўн, истражник, дознанийа (сўроқ), уголовний иш.* Қатор юридик терминлар тўлиқ ва ярим калькалаштирилган шаклда қабул қилина бошлади: *асосий ҳонун (конституция), атказ моллар (контрабанда), талабнома (ультиматум), тўлов (налог), сийаз ҳозилари, сибир ҳилиши, печат ҳилиши, закўнхона (адвокатура).*

Тилшуносликда, хусусан, лексикологияда тилнинг асосий лугавий бирлиги бўлмиш лексемалар бир —биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқликда, хилма — хил маъновий алоқадорликда реаллик касб этиши алоҳида таъкидланади, Айни шундай ҳолат турли—туман лексик қатламларнинг қарор топишига олиб келган. Шу туфайли бундай лексик қатламлар⁶ муайян тартибда гурухлантирилади. Шуниси ҳам борки, тадқиқотда қўйилган мақсадга қараб, хилма — хил гурухлаштириб тасниф қилиш йўлидан борилади.

¹ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн учинчи том. — Т., 1966. — 18 —бет.

Лексик қатламларни, терминлогик системаларни мавзуй гурухлаштириш. Таъкидлаб ўтамиз: мавзуй тасниф, биринчидан, рсал воқеликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ўзларининг таснифи (экстрависоний омил)га, иккинчидан, лексемаларнинг гипонимик муносабати (интервисоний омил)га таянади.

Тегишли материаллар таҳлили асосида ва М.Қосимова ҳамда Ш.Кўчимовлар томонидан таклиф этилган таснифлар умумлаштирилиб, ўзбек тилининг юридик терминларини қуидагича тасниф қилиш лозим деб топилди:

і. Юридик терминлар таркибида шахсларни англатувчи қатор луғавий бирликлар мавжуд. Бу мавзуй гурухни, ўз навбатида, кичикроқ гурухларга ажратиш мумкин: 1) юриспруденция соҳасида иш юритувчи шахсларни ифодаловчи терминлар: *адвокат, прокурор, судья, вакил, авалчи, акциядор, боши прокурор, кафил, криминолог, молиячи, нотариус, конвой, криминалист, суд котиби;* 2) жазоланувчи, қонунга хилоф иш қилувчи шахсларни англатувчи терминлар: *айбланувчи, безори, босқинчи, судланувчи, жиноятчи, ахлоқсиз, бандит, босқинчи, браконьер, бутлегер, гангстер, гиёхванд, киллер, кредитор, йўлтўсар, жавобгар, гумондор.*

ii. «Жиноят турлари»ни англатувчи терминлар¹: қотиллик, ўзрилик, порахўрлик, ўлдириши, зўрлаш, талон—тарож қилиши, қўрқитиши, тұхмат қилиши, рэкетирлик, киллерлик.

iii. «Жиноий ишни кўриш ҳаракатлари» тушунчасини англатувчи терминлар: сўроқ, тергов, тинтув, жазо тайинлаш, судлаш // судлов, айбини бўйнига қўйши, гувоҳлантиши.

iv. «Судлов органлари» тушунчасини англатувчи терминлар: суд (олий суд, ҳалқ суди), прокуратура, адвокатура, трибунал, милиция².

v. «Жазо жойлари» тушунчасини ифодаловчи термиилар: қамоқ // қамоқхона, турма, губбах // гауптвахта, колония, зона, камера.

vi. «Юридик хужжатлар» тушунчасини англатувчи терминлар: ариза, конституция, гувоҳнома, ишончнома, протокол, айбнома, илтимоснома, йўриқнома, васиятнома, низом, шартнома, тилхат, ҳукмнома.

vii. «Суд ҳукми» тушунчасини ифодаловчи терминлар: а) қамаш, сургун қилиши, сибирь қилиши, озодликдан маҳрум қилиши, интизомий қисмга жўнатиши, мол—мулкини мусодара қилиши, отиб ўлдириши, жарима солиши; б) озод қилиши, шартли ҳукм қилиши, шартли озод қилиши, жазони енгилроғи билан алмаштириши, афв этиши, амнистия.

Систем лексикологияда лексик — мазмуний гурухлар марказидаги луғавий бирликларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш масаласи мухим ўринлардан бирини эгаллайди. Лексемаларнинг мазмуний алоқа турлари эса хилма — хилдир. Синонимия, антонимия, гипонимия, партонимия, градуонимия, функционимия, иерархонимия кабилар шулар жумласидандир. Олимларимизнинг тадқиқоглари (Х.Неъматов, Р.Расулов, Р.Сафарова,

¹ Бу мавзуй гурух М.Қосимова томонидан 11 та гурухчага ажратилган. Кўрсатилган автореферат, 11 — 12 —бетлар.

² Бундай терминлар шу органлар ўрнашган жой маъносини ҳам ифодалайди: суд (судга кирмок), милиция (милицияга қандай борса бўлади?)

М.Нарзиева, Г.Неъматова ва б.)дан маълум бўлишича, барча лексик қатламлар — лексик — мазмуний гуруқлар, жумладан, терминологик системалардаги лугавий бирликлар бир — бири билан кўрсатилган мазманий муносабат турларининг ҳаммаси билан бир хилда алоқада бўла олмас экан. Ҳар бир соҳавий қатламниг ўзига хос хусусияълари, лугавий таркибининг бир —биридан фарқ қилиб туриши, ҳар бир соҳанинг специфик лексемалари мавжудлиги каби интерлисоний омиллар таъсирида у ёки бу соҳада мазмуний алоқа турларининг фақат айримларигина кўзга ташланиб турар экан. Масалан, тиббиёт соҳасида антонимия ниҳоятда фаол (соғлом — касал, тирик —ўлик) бўлса, зоология ёхуд ботаникада деярли учрамайди. Шу нуқтаи назардан тадқиқот объектимизга мурожаат қилинганда қўйидаш ҳолатлар ҳақида сўз юритиш мумкин:

1. Гинонимик ўзаро алоқа юридик терминологик системанинг асосини ташкил этади.

2. Тадқиқот объектимизда синонимия жуда кенг тарқалг’ан.

3. Антонимия тез—тез учраб туради.

4. Градуонимик, иерархологик каби мазмуний алоқа турлари учрамайди.

Шу сабабларга кўра, ишимида ! — 2 — 3 — бандлардаги терминларнинг мазмуний алоқа турлари ҳақида сўз юритилган,

1. Терминлар гипонимияси, «Воқеликда, — деб ёзишади Ҳ.Неъматов ва Р.Расулловлар, — нарса, белги, хусусиятларо жинс — тур боғланишлари жуда кенг тарқалган. Бундай боғланишларни табиатда ҳам, ҳаётда ҳам, фанда ҳам жуда кўп учратамиз»¹. Юридик терминология бу фикрни тўла маъқуллайди. Ҳақиқатан ҳам мазкур терминологик системага кирувчи мавзуй гурухларийнг, улар таркибларининг қайси бирига мурожаат қилинмасин, жинс—тур боғланиши мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Юридик терминологиянинг «жиноий — процесуал ҳуқуқ» мавзуи гуруҳини олиб кўрайлик. Унинг асосини «давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиласиган, жамоат учун хавфли хатти — ҳаракат» (ЎТИЛ, I, 281) тушунчasi ташкил этадики, у жиноят термини орқали ифодаланади. Бинобарин, мазкур термин шу мавзуй гуруҳнинг архисемаси сифатида гиперонимлик вазифасини бажаради. Унинг гипонимлари ўнлаб терминлардан ташкил топган бўлиб, улар бирикма тарзида намоёнлашади. Бундай гипонимларнинг характерли жиҳати шундан иборатки, тегишли аниқловчи компонентдан кейин аниқланмиш компонент вазифасини ўтовчи жиноят терминининг ҳам ўзи қўшилиб келади. Шундай қилиб:

Жинояг (жинс) — ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят — унча оғир бўлмаган жшиоят — оғир жиноят — ўта оғир жиноят — қасдан содир этилган жиноят — эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноят — мураккаб айбли жиноят — рецидив жиноят [турлар].

"Икки ёки ундан ортиқ, шахснинг қасдан иштирок этишда биргалашиб

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Т.: Ўқитувчи, 1995. — 118 —бет.

қатнашиши иштирокчилик деб топилади" (ЎзР ЖК, 13).

Демак, жиноят гиперонимининг гипоними сифатида иштирокчилик термини юзага чиқади. Ўз навбатида, мазкур термин гиперонимлик вазифасини ҳам бажаради; жиноят иштирокчилари — иштирокчилик шакллари.

Бу тушунчалар ўртасида ўзаро муносабат яна давом этаверади, яъни гипонимик боғланишлар тобора чуқурлаша боради. Пировардида:

а) жиноят иштирокчилари [жинс] — жиноятни бажарувчи — ташкилотчи — далолатчи — ёрдамчи [турлар];

б) иштирокчилик шакллари [жинс] — оддий иштирокчилик — мураккаб иштирокчилик — уюшган гуруҳ — жиноий уюшма [турлар].

Жиноят гиперонимининг гипонимларидан яна бири жазо терминидир. Гиперонимлик вазифасини бажарувчи бу терминнинг ҳам ўзига яраша гипонимлари мавжуд, яъни:

жазо [жинс] — жарима — муайян ҳуҳуҳдан маҳрум ҳилиш — ахлоц тузатии ишлари — хизмат бўйича чеклаш — ҳамоҳ — интизомий ҳисмга жўнатииш — озодликдан маҳрум қилиш — мол—мулкни мусодара ҳилиш — ўлим жазоси [турлар].

Келтирилган далиллардан муайян бир гипероним (жинс)нинг бир нечта гипоними (тури) мавжуд бўлиб, кейингиларининг баъзилари гиперонимлик вазифасини бажариб келиши мумкинлиги маълум бўлди. Бу терминларнинг ўзаро алоқадорлигини тасдиқловчи муҳим далилдир.

п. Терминлар синонимияси. Ўзбек тилшунослигига синонимия бир қадар чуқурроқ ўрганилган масалаларданdir. Соҳавий терминологияларни, жумладан, юриспруденция терминологияси (М.Қосимова, Ш.Кўчимов)ни тадқиқ этишга бағишиланган ишларда ҳам синонимияга алоҳида тўхтаб ўтилган. Шунга кўра, ишимизда бу масалага ўзбек юридик терминларига систем лексикология нуқтаи назаридангина ёндашилди.

Терминларнинг ўзаро муносабатида синонимия масаласи ҳам қўндаланг бўлади. Чунки ҳозирги ўзбек юридик терминологиясида кўплаб тушунчалар икки ва ундан ортиқ терминлар билан ифодалаб келинмоқда. Тадқиқот объективизда синонимларнинг лексик синонимлар ва вариандорлик турлари, айниқса, тез—тез учраб туради.

Юридик терминлар луғатлари ва қомусларига мурожаат этилганда лексик синонимлар қаторини иккитагина эмас, балки учта ва ундан ортиқ терминлар ташкил этганлигини кўриш мумкин:

а) синиш — касодга учраш, васийлик — ҳомийлик, қилмиш — қидирмиш, гувоҳ — шоҳид, ворислик — мерос олиш, меросхўр — ғорис, камомад — кам келиш;

б) тинтуб — тинтуб қилиш — кавлаб кўриш — титкилаб кўриш, талончилик — ўғрилнк — мол —мулкини талаб олиш; оқлаш — ҳақли деб топиш — айбиз деб топиш; кўрик — кўриш — кўздан кечириш — текшириб чиқиши ва б.

Ўз ва ўзлашма терминлардан иборат синонимик қатор ҳам тез—тез учраб тўради. Бунда, айниқса, русча — байналмилал ва ўз қатламга доир луғавий

бйрликлар синонимияси бот—бот кўзга ташлайади: *авдар* — мулк
— *бойлик, адюльтер* — эр—хотин вафосизлиги, анкета — сўровнома,
апартеид — ирқий айирмачилик — ҳуҳуҷни чеклаш, таъхиб ҳилиши, юстиция
— адлия, бланкет норма — ҳуқуҳий норма — ҳавола ҳилувчи норма, ҳукм
— хулоса — ҳаҳиҳатнома — вердикт, вето — таҳих.

Юридик терминологияда синонимиянинг вариандорлик тури ҳам кенг тарқалганки, улар икки хил қўринишдадир:

1. Бир компонентли терминлар вариандорлиги: *кафиллик* — кафолат, ишончсизлик — ишонмаслик, босҳинчилик — ҳароҳчилик — йўлтўсарлик, соҳталаштириш — ҳалбакилаштириш, ўғирлаш — ўғирлик, нарх—нарх—наво, жаҳолат — жаҳолатпарамастлик.

2. Икки ва ундан ортиқ компонентли, яъни бирикма терминлар вариандорлиги: *одил судлов* —adolatli судлов, суд муҳокамаси — суд текшируви — суд тафтиши, хусусий ажрим — алоҳида ажрим, юрисконсульт — юридик консультант — юридик маслаҳатчи.

“Юридик атамалар, — деб уқтирилади рисолаларнинг бирида, — бир маъноЛи, фикрлар аниқ баён қилиниши, ибораларнинг ниҳоятда аниқ ва равон бўлиши, ифодаланаётган матнда акс этаётган мазмуннинг икки маънода бўлмаслиги, ҳуқуқий терминологияларнинг барқарор, уйнинг ишлатилиши **якка ҳолда бўлиши** (таъкид бизники — Г.Ф.), юридик атамаларнинг содда ва тушунарли тузилиши талабларига жавоб бериши лозим” .

Терминлар синонимияси ҳақиқатан ҳам информация алмашинув жараёнини қийинлаштиради, чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун терминология назариясида “**битта тушунчага - битта тил бирлиги**” принципига амал қилиш лозимлиги алоҳида уқтирилади. Юқорида келтирилган далиллар юридик терминологияда ҳам синонимия ва унинг бир тури вариандорлик анча авж олганлигини тасдиқлади. Шундай экан, нафақат терминшунослар, балки юрист мутахассислар ҳам иложи бор қадар “биттага — битта” принципи асосида иш қўришлари лозим. Таъкидлаш лозимки, юридик терминлар синонимияси ва ундан “қутулиш” йўл—йўриқлари М.Қосимова ва Ш.Кўчимовларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Шунга кўра ва ишимизнинг асосий мақсади тақозоси билан мазкур масала ҳақида мулоҳаза юритиш лозим деб топилмади. Шундай бўлса—да, биттагина мисол келтириб ўтишни ўринли деб билдик.

Ҳукуқ билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий— сиёсий термин — ҳокимликни олиб кўрайлик. Мазкур термин ифодалаётган тушунчага нйсбатан икки хил қўринишда йшлатилмоқда (*Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Юнусобод тумани ҳокимияти*). Фикримизча, бу ўринда ҳокимлик вариантидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки **ҳокимлик** термини грамматик қурилиши, товуш тузилиши, талафзузи жиҳатидап ўзбек адабий тили талабларига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари, **-лик** аффикси ўзбек адабий тилида фаол сўз ясовчи қўшимча ҳисобланади (*тадбиркорлик, жавобгарлик, таъмагирлик, гиёҳвандлик, дезертирлик*),

Ҳокимият термини “давлат бошқармаси” маъносида қатъийлашиб қсан;

олий ҳокимият. Бундай ҳокимиятни эса президент ёхуд вазир бошқаради. Шундай экан, туман, шаҳар, вилоятларни бошқариш органини **ҳокимлик** деб аташ маъқул.

ІІІ. Терминлар антонимияси. Ўзбек тилшунослигига антонимлар, яъни зид маъноли лугавий бирликлар бир қадар тадқиқ этилган (С.Муталлибов, С.Усмонов, Б.Исабеков, Р.Шукуров ва б.). Бу ишларда умумадабий тил доирасидаги антонимлар ўрганилган. Бироқ терминологик системаси 1ларнинг баъзиларида, антонимия реал мавжуд бўлса—да, унга эътибор берилмаган. Вақоланки, қатор терминологик системалар (масалан, тиббиёт, биология)да терминлараро маъновий муносабатларнинг турларидан бири антонимия кенг тарқалган. Юридик терминологик системада ҳам шундайдир. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки юриспруденциянинг асосий вазифаси адолатлилик ва адолатсизликни, қонунийлик ва нрқонунийликни бир— биридан ажрим қилиб, ҳаққониятни ўрнатишдан иборат. Бундай реал воқелик эса қўплаб бир — бирига зид тушунчаларнинг қарор топишига олиб келди. Бундай тушунчалар терминлар воситасида воқеланган.

Юридик терминологиянинг барча мавзуй гуруҳларида антоним терминлардан фойдаланилмайди. Уларнинг фақат «жиноят турлари», «шахслар», «жиной ишни қўриш», «суд ҳукми» каби гуруҳларидагина антонимлар мавжуд.

Ўзбек юридик терминологиясида қўлланаётган антонимлар тузилишига кўра қуидаги қўринишларга эга:

1. Иккала компоненти ҳам якка терминлардан иборат: *айбсиз* — *айбдор*, қонунийлик — *ноқонунийлик*, *даъвогар* — *жавобгар*, *фуқаролик* — *фуқаросизлик*, *оҳлаш* — *қоралаш*, *резидент* — *норезидент*.

2. Бир компоненти якка, иккинчиси бирикмадан иборат: қонунийлик — қонуний эмаслик, шуурлилих — *ақли расо эмаслик*, *даромад* — *кам келиши*, *қамаш* — *озод қилиши*.

3. Иккала компоненти бирикма терминлардан иборат: *кўчма мулк* — *кўчмас мулк*, қонуний ҳаракат — *ноқонуний ҳаракат*, *асосли даъво* —... ■: *асоссиз даъво*, *адолатли ҳукм* — *адолатсиз ҳукм*.

Терминологик системалар таркибидаги антонимик лексемаларнинг антонимик муносабатини аниқлаш ҳам мухим лисоний омилдир¹.

Умумадабий тилдаги антонимларнинг ўзигина эмас, балки ҳар бир антонимнинг шу маъносига боғлиқ. бўлган синонимларини ўрганиш ўзига хос лисоний аҳамиятга эга. Бу фикр бевосита юридик терминологияга ҳам тааллуқлидир. Кузатишлардан юридик антоним терминлар қаторининг ҳар бири ёхуд биттаси синонимик муносабатда эканлиги маълум бўлди.

1. Биринчи компонентнинг синоними бўлган, иккинчисиники эса синоними бўлмаган антоним терминлар:

- а) адолатли ҳукм, — адолатсиз¹ ҳукм одил ҳукм
- б) озод қилиш, — қамаш

¹ Сайдов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. — Т.: Адолат, 1994. — 7 —бет.

бўшатиш

2. Иккала компонентининг синонимлари бўлган антоним терминлар:
- | | |
|-----------------|-----------------|
| а) айбиз (шахс) | айбдор (шахс) |
| бегуноҳ (шахс) | гуноҳкор (шахс) |
| б) даромад | харажат |
| кирим | чиқим |

Диссертациянинг иккинчи боби «Ў.чек тили юридик терминларининг қарор топишида ички ва ташқи имкониятларнинг ўрни» деб аталган бўлиб, икки бўлимдан ташкил топган.

Биринчи бўлимда юридик терминларнинг она тилимиз имкониятлари асосида ясалиши масалалари ўрганилган. Юридик терминологияда ҳам ясама терминлар ўзига хос ўринни эгаллайди. Гарчи, М.Қосимованинг ишида терминлар ясалиши ҳақида гап кетган бўлса—да, мазкур масала ўзининг тўлиқ ечимини топа олган, дея олмаймиз. Чункииша юридик терминларнинг ясалишида фақат учтагина, яъни —чи, -лик, —и(ш) аффикслари ҳамда иккитагина — нома, -хона каби аффиксоидлар билан ҳосил қўлинган терминлардан намуналар келтирилган. Ишда тўб юридик терминлар ҳақида деярли сўз юритилмаган. Ваҳоланки, юридик терминология асосини, гарчи кўп миқдорда бўлмаса—да, туб терминлар ташкил этади. Улар эса, ўз навбатида, ясама терминларнинг ясалиши учун асосдир.

Юридик термийологияда элликтага яқин туб термин бўлиб, уларнинг бир қисми асли ўзбекча (умумтуркий)дир: *ажрим, кенгаши, бурч, бўнак, ёрлиқ, солиқ, тузук* («Темур тузуклари»), *товар, иши, улуш, онт, ёши, бадарга* ва б.

Юридик туб терминларнинг бир қисми генетик жиҳатдан ўзлашма қатламга мансубдир: *адлия, айб, анъана, удум, арз, ариза, ахлоқ, ашё, ҳуҳух, васий, васият, васица, вакил, вақф, қарз, далил, жазо, жарима, закот, ижара, кафил, жиноят, мерос, оила:abolitsiya, aval, avizo, avuar, valyuta, кодекс, конституция, лизинг, кредит, милиция, прокурор, адвокат.*

Таъкидлаш жоизки, бу терминларнинг жуда қўпчилигидан ясама терминлар ҳосил қўлинган. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, юридик терминдан янги юридик термин ясалган.

1. Юридик ясама терминлар. Ўзбек тилида қарийб тўрт юзта сўз ёхуд форма ясовчи аффикс ва префиксlar мавжуд. Бироқ уларнинг барчаси ҳам терминлар ясалишида қатнаша олмайди. Боз устига, ҳар бир соҳанинг ўзига хос термин ясалиши иқтидори бор. Юридик терминологияда кўрсатиб ўтилган базавий туб терминлардан қамда бошқа соқаларга оид лексемалардан қуидаги аффикслар воситасида қўнлаб терминлар ясалган:

1. **-лик²аффикснинг** асосга қўшилувидан қуидаги маъноли терминлар ҳосил қўлинган: а) ясаш асосида ифодаланган соҳа бўйича мутахассислик: *котиблиқ, адвокатлик, судьялик, прокурорлик;* б) ижобий ёхуд салбий хатти — ҳаракат, ҳолат: *зараркунандалик, безорилик, қаллоблик, босцинчилик, ҳарздорлик, дезертирлик, жосуслик, рэкетирлик, киллерлик;* в) ясаш асоси маъноси билан боғлиқ бўлган хусусият, белги: *ошкоралик, сохталик, зидлик, дахлсизлик.*
2. **-и(ш) аффикси** ёрдамида юриспруденцияга алоқадор, ясалиш

асосидан англашилган ҳарақат, жараён номларини ифодаловчи терминлар ясалган: *айблаш*, *таҳқирлаш*, *хатлаш*, *ҳийнаш*, *ўлдириш*, *судлашиш*, *обрўсизлантириш*, *мувоғиҳлаштириш* ва **ҳ. к.**

3. **-чи аффикси.** Ўзбек тилид а ўш унумдорлиш, сермаҳсуллиш билан ажralиб турадиган мазкур аффикс юридик терминологияда ҳам фаоллишни сақлаб келмоқда. Чунки юриспруденцияда, асосан, шахслар билан иш кўрилади. Шундай экан, бу жараёнда юзлаб хил хусусиятларга эга бўлган шахслар иштирок этади. Уларнинг ҳар бири ўз номинациясига эгадир: *аризачи*, *тovlamachi*, *қўшимачи*, *фиптачи*, *ҳораловчи*, *таловчи*, *айбловчи*, *жазоловчи*, *растратчи*, *оҳловчи*, *чайҳовчи*, *босҳинчи*, *айбланувчи*.

4. **-дор аффикси** иштирокида ҳам шахс номлари ясалган: *айбдор*, *ижсарадор*, *мансадор*, *ҳарздор*, *бўнакдор*, *мулкдор*, *амлакдор*, *гумондор*, *манфаатдор*, *акциядор*, *сармоядор*.

5. **-м (-им, -ум) аффикси** мавхум тушунчаларни ифодаловчи терминлар ҳосил қиласди: *ажрим*, *кечирим*, *битим*, *тизим*, *йигим*, *ўлим*, *бўлим*, *кирим*, *ечим*, *чиҳим*, *боҳим*.

6. **-хўр аффикси** ясалиш асосидан англашилган нарса — предметлар, айниқса, егулик ва ичимликларни кўпроқ истеъмол қилувчи, кўпинча, салбий маъноли шахслар номларини ясайди: *фойдахўр*, *ижсаракхўр*, *порахўр*, *судхўр*, *ароҳхўр*, *ҳасамхўр*, *текинхўр*, *ҳонхўр*, *меросхўр*, *онтхўр*.

7. — **боз аффикси** шахснинг ясалиш асоси англатган нарса — предмет билан кўп шуғулланиш, шунга берилганлик маъносини ифодалайди: *аризабоз*, *гуруҳбоз*, *ҳартабоз*, *фоҳишабоз*, *лўттибоз*, *хотинбоз*, *ҳиморбоз*.

п. Аффиксоидлар билан ясалган терминлар. Ҳозирга ўзбек адабий тилида ҳар хил маъноли лексемаларнинг ясалишида **-нома**, **-хона**, **-поя**, **-обод** каби аффиксоиддар бир қадар фаол иштирок этиб келмоқда. ҲУБУҚшунослик терминологиясида ҳам уларнинг баъзилари иштирокида ясалган терминлар ишлатилмоқда.

1.-нома аффиксоиди. Юриспруденцияда ҳам барча ишлар муайян ҳужжатлар асосида олиб бориладики, улар — **нома** аффиксоиди иштирокида ясалган: *айбнома*, *далолатнома*, *аҳднома*, *арзнома*, *ҳукмнома*, *низомнома*, *инъомнома*, *шаҳодатнома*, *маълумотнома*, *васиятнома*, *шикоятнома*, *ваҳфнома*, *ҳадъянома*, *сулҳнома*.

2.-хона аффиксоиди. «Бу аффиксоид асосдан англашилган иш, ҳаракатга мўлжалланган, шу нарса қилинадиган (тайёрланадиган, боқиладиган ва **қ.к.**) жой (объект)ни билдирувчи отлар ясайди». Тадқиқот объектилизда ҳам шу аффиксоид асосида ясалган ўттизтага яқин термин қўлланмоқда: *божхона*, *гаровхона*, *элчихона*, *мирзахона*, *хазинахона*, *миришабхона*, *ҳозихона*, *ўгрихона*, *ҳабулхона*, *консулхона*, *ҳибсхона*, *ваколатхона*, *ишратхона*, *ҳамоҳхона*.

Юридик терминологияда қўшма терминларнинг соф (ҳукуқбузар, қоиунбузар), жуфт (манзил—давлат, ҳукуқ—тартибот), қисқартма ИИВ — ички ишлар вазирлиги, МХХ — Миллий Хавфсизлик Хизмати) каби турлари ишлатилади.

ш.Юридик бирикма терминлар. Ўзбек тилининг қатор терминологик

системаларида бирикма терминлардан фойдаланилган. Шуниси ҳам борки, бирикма терминлар мутлақ кўпчиликни ташкил этади. Масалан, А.Мадвалиевнинг аниқлашича, тўплланган 5000 та терминнинг 3310 таси, яъни 60,6 фоизи бирикма терминлардан иборат экан². Юридик манбаларга мурожаат этилганда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Бироқ ҳисоб—китобларга қараганда, мазкур терминсистемада бирикма терминларнинг кўпроқ эканлиги маълум бўлди. Масалан, РЎЮАЛда жами 4775 та русча термин ўз ифодасини топган бўлиб, унинг қарийб 80% ўзбек тилида бирикма термин билан ўгирилган. ЮЭда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. (3500 га яқин терминнинг 80% дан кўпроги бирикмалардир).

Маълумки, бирикмалар таркибига кўра, содда ва мураккаб шаклда бўлади. Содда бирикма терминлар иккита мустақил маъноли лексемалардан иборат бўлиб, улар кўплиги билан ажralиб туради: *билвосита далил, бож тўловлари, валюта ҳисоби, давлат сири, инсон ҳуҳуҳи* (ЮЭ). Мазкур энциклопедияда мураккаб терминлар ҳам ўзига хое ўринни эгаллаган: *озодликдан маҳрум этиши, оператив бошҳарув ҳуҳуҳи; талабни бошҳа бирорвга ўтказиши, унча оғир бўлмаган жиноятлар; ундирувни умумий мол—мулкдаги улушига ҳаратиши; турар жойни ижарачидан ижарага олиши шартномаси*. Тўғри, кўп компонентли бирикмалар муомала жараёнини анча қийинлаштириб қўяди. Шунинг учун бу каби бирикмаларни янада ихчамлаштириш йўлидан борилгани маъкул.

Икки компонентли бирикмалар қўйидаги икки хил андоза асосида ясалади: 1) **от + от** андозаси; 2) **сифат + от** андозаси.

1. **От + от** андозаси асосида ясалган бирикма терминлар, уч хил изофа воситасида ясалган: 1) биринчи тип изофали: *фрахт ҳилиши, шўъба корхона*, (Хожиев АЎзбек тили сўз ясалиши, — Т., 1989. — 51—бет.

Мадвалиев А.П. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1986. - С. 15.

2) иккинчи тип изофали: *йўл божси, жиноят иши, ер кадастри*; 3) учинчи тип изофали: *цилмишининг жиноийлиги*.

2. Юридик термйнсистемада **сифат + от** андозаси асосида ясалган бирикма терминлар кўплиги билан ажralиб туради (ЮЭда беш юзтадан ортиқ). Мазкур типдаги бирикмаларнинг аниқловчи компоненти, биринчидан, аслий («ҳора кодекслар», *гараз ниятлар*) ва нисбий сифатлардан иборат бўлади. Булардан, иккинчи тип бирикма терминларнинг аниқловчи компоненти бир қатор аффикслар билан шакллантирилади: —**ий (-вий) аффикси:** ҳуҷуҳий ворислик, жисмоний шаҳс, даврий божхона, жиноий гуруҳ; —**ли аффикси:** давомли жиноятлар, ишончли вакил, шартли васиятнома; —**дор аффикси:** мансабдор шахс; ~**сиз аффикси:** штатсиз консул, асоссиз даъво, адолатсиз ҳукм; ~**ки (-ги, -ки) аффикси:** юзаки излар, дастлабки тергов, қалбаки пул\ —**ма аффикси:** ёзма далиллар, жамланма ҳужжатлар, йиғма ҳужжатлар; —**аро аффикси:** давлатлараро тузилмалар-, —**симон аффикси:** давлатсимон ташкилотлар-, —**мас аффикси:** кўчмас мулк, бўлинмас ашё\ —**но префиксси:** ноҳалол реклама, ноҳонуний ҳаракат; **бил— префиксси:** билвосита далил.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида юридик терминологиянинг ташки

имкониятлар ҳисобига қарор топиши ўрганилган. Барча терминсистемаларда бўлганидек, ҳуқуқшунослиқда ҳам ўзлашма қатлам мухим ўринни эгаллади. Улар қуидаги тилларга тегишлидир:

I. Форс-тожикча терминлар. Қадимдан яқин қўшничилик, қатор жойларда аралаш — қуралаш яшаш, қуда — андачилик ва ҳоказо экстравалисоний омиллар натижасида лексемалар алмашуви рўй берганлигидан ўзбек тили лексикасида, хусусан, терминологик системаларида форс—тожикча терминлар ўзига хос ўринни эгаллади. Юридик терминология хусусида ҳам 1яундай дейиш мумкин. Бундай ўзлашма терминлар тарихийлик нуқтаи назаридан икки гурухдан иборат:

1. Архаизм ёхуд историзмлар қаторига ўтиб қолган терминлар: *канахона* (ичида канаси қўп бўлган зиндон, қамоқхона), *каниз*, *канизак*, *коранда*, *зиндон*, *зиндонбон*, *товоңдор*.

2. Ҳозирги юридик терминологияда ҳам фаол ишлатилаётган терминлар: *гаров*, *пора*, *киссовур*, *камомад*, *даромад*, *хунрез*, *бадбин*, *бадном*, *падаркуш* ва б.

п.Арабча терминлар. Ўтмишда ўлкамизда шариат, яъни ислом ҳуқуқи жорий этилганлиги муносабати билан араб тилидан кўплаб ҳуқуқий терминлар она тилимизга ўзлаштирила бошланди. Бундай терминларни ҳам икки гурухга ажратиш мумкин:

1. Мозийда кенг қўлланишда бўлган, бироқ ҳозирда қўлланмаётган терминлар: *каззоб*, *кайфиёт*, *табаа* (*фуҳаро*), *тавҳ*, *талоҳ*, *тарафайн*, *ҳанафия*, *моликия*, *ш.офиъия*, *ҳанбалия*, *закот*, *вожиб*, *мубоҳ*.

2. Ҳозирда ҳам фаол қўлланаётган терминлар: *ҳонун*, *ҳуҳуҳ*, *кафил*, *кафолат*, *фуҳаро*, *тажсовуз*, *туҳмат*, *шариат*, *айб*, *ворис*, *мерос*, *хадя*, *мулк*, *никоҳ*, *жиноят*, *жазо*, *афв*, *хизмат*.

Характерлиси шундаки, мазкур ўзлашмалар негизида янгидан — янги юридик терминлар ҳосил қилинган:

қонун: *қонунбузар*, *қонунийлик*, *қонунлашиши*, *қонунлаштириши*, *қонунсизлик*, *қонунчилик*, *қонуншунос*, *қонуншунослик*;

ҳуқуқ: *ҳуқуқийлик*, *ҳуқуқлилик*, *ҳуқуқсизлик*, *ҳуқуқшунос*, *ҳуқуқбузар*, *ҳуқуқбузарлик*.

ш.Русча-байналмилал терминлар. Муайян экстравалингвистик сабабларга кўра, юридик терминологияда ҳам рус тилидан ва у орқали Европа тилларидан кўплаб терминлар олиниб, уларнинг бир талайи ҳозирда ҳам қўлланишдадир. Ўзбек тилида қўлланаётган асли рус тилининг ўзига оид юридик терминлар унчалик қўп эмас. *Судья*, *суд*, *турма* (<тюрьма), *каторга*, *неустойка*, *наряд* каби саноқли терминлар шулар жумлাসидандир. Бироқ олдин Европа тилларидан рус тилига ва ундан ўзбек тилига ўтган юридик терминларнинг миқдори сезиларли даражададир. Масалан, ҲЎТда 400 га яқин шундай термин ўз ифодасини топган: *адвокат*, *акт*, *алиби*, *алимент*, *амнистия*, *апелляция*, *аукцион*, *бизнес*, *биржас*, *прокурор*, *виза*, *декларация*, *дотация*, *кассация*, *сертификат* ва б.

Мазкур ўзлашма қатламда ҳам русча — байналмилал асосларга ўзбекча сўз ясовчи воситалар қўшилиши билан ясалган терминлар мавжуд: *консулифик*,

консулхона, адвокатлик, террорчи, контрабандачи, юристлик, агентлик, турмахона. Бундай ҳолат ўзбек тили лексикаси, хусусан, юридик терминологиясининг ўз таркибини тўлдирувчи имкониятлар доираси кенг эканлигидан далолат беради. ,

Ишнинг учинчи боби **«Юридик терминлар луғатлари ва тезаурус масаласи»** деб номланган бўйлаб, икки бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда юриспруденция соҳасида яратилган хилма —хил луғатлар ва қомуслар ҳақида сўз боради. Мухими, бошқа соҳавий терминсистемаларга қараганда, юридик соҳада кўплаб луғат ва қомуслар нашр этилган. Чунончи, ҳозирга қадар б та терминологик, изоҳли луғат ва иккита қомус яратилган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга. Луғат тузувЧиларнинг мақсади битта эди — ўзбек тилининг юридик терминларини тартибга солиш. Маълум даражада мазкур вазифа адо этилди ҳам. Ўзбек юриспруденциясида ишлатилаётган, юридик тушунчаларни тўғри ифодалаётган юзлаб терминлар луғат тузувчилар томонидан таклиф этилган.

Бироқ ҳар бир ишда тўқис дейилганидай, нашр этилган барча луғат ва қомусларга хос қатбр камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди. Уларнинг баъзиларини санаб ўтиш тузилажак луғатларнинг сифатини ошириш, энг муҳими, юридик терминлар тезаўрўсими яратиш имконини туғДиради, деб ўйлаймиз. Бундай ноаниқликлар қуидагилардан иборат:

1. Луғатшуносликда у ёки бу лекСик бирликни таърифлашда бирхилликка эришилиши лозимлиги қоида сифатида тан олинган. Тўғри, ҳар хил Изоҳли луғатларда бирор лексеманинг изоҳида билинар — билинмас фарқ бўйиши мумкин. Бироқ муайян бир термин луғатларда ҳар хил изоҳланаверса

термин истеъмолчиси қийин аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Фикримизнинг исботи учун далилларга мурожаат қиласиз. Дастрас юридик термин бўлмиш кодексни олиб кўрайлик. Манбаларда унинг хилма —хил изоҳланганлигини қўриш мумкин:

КОДЕКС

ЎзСЭ (1974)	ЎТИЛ (1981)	ЮТҚР ЎЛ (1983)	ХОЎТ (1999)	РЎЮА Л (2002)	ЮЭ (2001)
Хуқуқ норм	Хуқуқн	Қонунла	Хуқуқн	Тизимла	С и с
инг	р тўпла	инг б иш	—	—	темага
бирор	м и, м ар	о ртирилга	—	со ли н г	
алари	со	— с а л а н	соҳаси	н х у қ у а н	қонун
н иҳасига	— ;	ни	к и й	хуж	—
н гоид	ЎзССРн	систем	а к т л а	жат	
ягона	тартибг	инг	ага	р , ундалари	
систе	а	Никоҳ	солувч	хуқуқ	бўлиб,
м а	солингва	ва оилаи	—	тармоғи	унга
г ан	ко	— қонунл	—	нинг	хуқуқнинг
солинг	қонунл	декси...	ар	барча	муайян
анг	ар	(97)	тўплам	нормала	соҳа

қонун акти (5— и л д , 547)	туплам и (I жилд, ,391) и		и (34)	ри белгила н ган... (231)	сига оид ко н у н л ар ки ритилади (115)
---	---------------------------------------	--	--------	---------------------------------------	--

II. Маълумки, тергов вақтида, суд жараёнида ёхуд хуқуқшуносликка оид адабиётларда, кодекс ва қонунларда ишлатилган ҳар қандай сўз (лексема) юридик термин бўлавермайди. Шу нуқтаи назардан, ЮТҚРЎЛга қуйидаги лексик бирликларнинг ҳам киритилганлигини ва йзоҳлаб берилганлигини тўғри дея олмаймиз: *горло — томоц, бўғиз, гробница — мақбара, сагана, қабр, диплом — диплом, ерунда — сафсата, жемчужина*

— марварид донаси,
жипотноводство — чорвачилик, знамя — байроқ, кораблекрушение — кема
ҳалокати, креи^ение — чўҳинтириши, крик — қичқириши, лекарь — табиб, лоб
— пешона.

ч

Қани энди, шундай хатолик бошқа лугатларда такрорланмаган бўлса. Афсуски, юриспруденцияга алокаси бўлмаган, яъни бевосита юридик терминологиянинг мулки ҳисобланмаган қатор лексик бирликлар маҳсус лугатларга киритиб юборилаверган. Масалан, ЮАИЛда юридик термин деб аталмиш, лекин бошқа — бошқа соҳаларнинг терминАари ўз ифодасини топган: *аборт — abortion, батог — таёқ, братья и сестры — ака—ука ва опа—сингиллар, бригадное обучение — бригада тарзида ўқитиши, брошира*

— рисола, китобча, венерические болезни — таносил касалликлари,
ветеран Великой Отечественной войны — Улуғ Ватан уруши кайвониси (?),
фаҳрийси, ветеринар — мол дўхтири, байтар, внутреннее море — ички
денгиз, гавань — гавань, кемагоҳ, пасытотк — ўгай ўгил, судно — кема (савол туғилади: судно — кема юридик термин экан, нега унда лугатга пароход,
теплоход, лодка, катер каби ўнлаб терминлар киритилмаган?) ва б.

III. Лугатлардан лугатларга «кўчиб» келаётган яна бир ноаниқлик мавжуд. Маълумки, руслар ёхуд рус тилини пухта ўзлаштирган шахслар учун бирикма терминларнииг қай тарзда жойлаштирилиши унчалик қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун рус тилидаги лугатларнинг бир қисмида бирикма терминлар икки хил усул билан жойлаштирилади: 1) от + сифат андозаси асосида; 2) сифат + от андозаси асосида. Биринчи типдаги ¹⁷ андозали лугатлар норусийзабон шахслар учун ниҳоятда қийинчилик туғдиради. Чунки у ёки бу бирикма термин тегишли манбаларда фақат сифат + от андозаси асосида ифода қилинади. Битгагина мисол келтирамиз: «Задачами семейного
законоAательства являются укрепление семьи, построение семейных
отношений на чувствах взаимной любви,... недопустимость произвольного
вмешательства кого—либо в дела семьи...» (ОК, 153). Матн тагига чизилган бирикма терминлар фақат сифат + от андозаси асосида акс эттирилган.

Ундаги бирикма терминларнинг русча вариантини лугатлардан топиш қийинчилик туғдирмайди. Бироқ отношения семейнме типидаги бирикмаларни излаб топиш анча мушкул.

iv. Лугатларда йўл қўйиб келинаётган яна бир камчилик ҳақида сўз юритишига тўғри келади. Терминология масалаларини ўрганишга бағишлиланган ишларда сўз туркумларидан сифат, феъл, равиш кабилар термин бўла олмаслиги исботланган¹. Шундай бўлишига қарамай, ҳуқуқшуносликка оид лугатларда мазкур сўз туркумларига оид сўз ва лексемалар ҳам «ўз ўрнини» эгаллаган, яъни термин деб ҳисобланган:

а) сифат туркумiga оид сўзлар: *альтернативныш* — *альтернатив*, *безапелляционнъиши* — *қатъий*, *узил—кесил*, *бесправныш* — *хуҳұсиз*, *вверенныш*

— *ишионилган, вешественныш* — *нарасдан, буюмдан иборат бўлган*. Таъкидлаш керакки, сифатлар отлашган вақтдагина¹ терминлик ҳуқуқига эга бўла олади. Шу нуқтаи назардан, лугатга қуйидаги отлашган сифатларнинг киритилганлигини тўғри деб ҳисоблаймиз: *виновныш* — *айбдор, вменяемыши* — *ақли расо*. ”

б) феъл туркумiga оид сўзлар: *баллотировать* — *овоз берииш, овозга ҳўйшиш, сайлаш, бичевать* — *шарманда ҳилмоқ, блокировать* — *блокада ҳилмоқ, цамал ҳилмоқ*.

Айни шу хилдаги хато бошқа бир лугатда ҳам мавжуд: *амнистировать* — *авф этмоҳ, отирафовать* — *жарима солмоҳ, перебежать* — *қочиб ўтмоқ* (ЮАИЛ).

в) равиш туркумiga оид сўзлар: *безвмездно* — *ҳеч қаерга кетиб қолмаслик, бесшумно* — *тovуш чиқармай, тинчгина, вдребезги* — *кул—кул, чил—чил*,

¹ Лотте Д.С. Вопросы! заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов // Вопросы! терминологии (Материалъ Всесоюзного терминологического совещания). Лингвистические проблемы! научно-технической герминологии. - М., 1970; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айrim масалалари. — Т.: Фан, 1977; Данияров Р. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: Автореф. дис. ... д — ра филол. наук.

— Т., 1988.

вслепую — *кўр—кўрона, досрочно* — *муддатидан аввал, дословно* — *айнан, сўзма—сўз, дотла* — *бутунлай, тамомила, заведомо* — *била туриб ва б.*

v. Кўриб чиқилган лугатларнинг қўпида яна бир камчиликка йўл қўйилганлигини кўриш мумкин, Маълумки, лугатларда бирикмаларнинг, асосан, сифат + от шакли берилс+ди. Шу билан бирга, уларнинг от + сифат шакли ҳам ўрин олиб келмоқда. Ҳамма гап шундаки, айrim лугатларда бир тушунчани И(|x:)даловчи бирикмаларнинг иккала шакли ҳам бериб келинмоқда: *акции привелигированъи* привелигированние *акции власть суёбная судебная власть иммунишет президентский президентский иммуниитет* (РЎЮАЛ).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шуларнинг ўзиёқ

лугатчилик принципларига амал қилинмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқот учинчи бобининг иккинчи қисми "Ўзбек тилининг ўмумхуқуқий тезаурусини тузиш муаммолари" деб номланган.

Тезаурус (юн, — япав) — хазина, бойлик маънбасини англатиб, тилнинг тўлиқ мазмун ахборагига эга бўлган лугати демакдир. Тезаурус муайян илмий тилнинг (соҳа тилининг) семантикасини белгилаб беради. Тёзаурус бирор тилнинг ёки бу соҳаси бўйича мукаммаллугати бўлиб, терминология асосини ташкил қиласди. Тезаурус сўзнинг тўлиқ мазмуний маълумотини берувчи лугавий бўрлик, муайян тушунчанинг интралингвистик ва экстравалингвистик алоқалари тизимиdir.

Бундай лугат муайян илмий соҳага оид сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида терминологак -газим моделшиш яратади, натижада лексикографияда тезауруслар; илмий тасниф пайдо бўлади.

Тезаурусда қукуқий терминларга хос бўлган умумжиқатлар (маъно кирралари ва семалари) тўлиқ акс этиши лозим. Шукинг учун тезаурус семантикаси юридик терминлар орқали ифодаланадиган асосий (умум.муомаладаги) маънога teng' бўлади: тезаурус маъноси юриспруденция учун доминанта маъно саналади. Бинобарин, тезауруснинг моҳияти терминларга хос барча кирраларни, жиқатларни, хусусиятларни, маъно оттенка (вазифа — вазифадошликни, маъно — маънодошликни, сема — семемаликни ва б.) ларни умумлаштириб шарҳлаш орқали аниқланади.

Умумхуқуқий тезаурус ёрдамида юридик терминологиядаги номувофиқликларга барҳам берилади, терминлар бирхиллигига зришилади.

Тезаурус тилнинг мукаммал лугавий бойлигини ифодалар экан, уни юриспруденциянинг тўлиқ сўзлиги дейилса хато бўлграйди, Бирор тилнинг пухта лугатини яратишда тезаурус етакчи омил ҳисобланади. Шуниси ҳам борки, умумхуқуқий тезаурус юриспруденциянинг барча соҳаларига оид хилма — хил лугатлар яратиш имконини беради.

Тезауруснинг аҳамияти жуда катта. У умумхуқуқий терминларни нормалаштириш, терминларнинг бирхиллигига эришишга олиб келади. Масалан, синонимияни аниқлаш ва уни бартараф этиш муаммосини олиб кўрайлик. Бу муаммони синонимик терминларни <алоҳида гуруҳлар (синфлар)га бирлаштириб, уларнинг доминанти (дескриптори)ни танлаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Ҳукуқшуносликнинг турли соҳаларида ишлатиб келинаётган қуйидаги терминларни кўриб чиқамиз: *иши стажи*, *ишилаб чиҳарии стажи*, *мехнат стажи*. Бу терминлар аслида битта тушунчани ифодалайди. Энди уларнинг доминантини аниқлаш лозим бўлади. Бизнингча, бутерминларнинг доминанти *мехнат стажи* ҳисобланади. Тезаурусда улар қуйидагича кўринишга зга бўлади: (доминант ҳамда унинг синонимлари қатъий алфавит тартибида жойлаштирилади):

Мехнат стажи: синонимлари:

иши стажи

ишилаб чиҳарии стажи.

Бундан ҳукуқий терминологияда факат *мехнат стажи* терминидан фойдаланиш лозим эканлиги аён бўлади. Шунингдек, тезаурусда юридик

терминларнинг жинс —тур (гипонимик) муносабати ҳам ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Далиллар келтирамиз. «Юридик энциклопедияда бир термин ҳақида шундай дейилган: «Фуқаролик ҳуқуқида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келипгуви, битимнинг тури» (ЮЭ, 542). Бу тушунча *шартнома* термини билан ифодаланади. Айни шу термин негизида 50 тадан ортиқ бирикма термин ҳосил қилинган. Айримларини намуна тариқасида келтирамиз; *ижара шартномаси*, *ҳадя шартномаси*, *якка шартнома*, *пудрат шартномаси*, *молиялашириш шартномаси*, *ҳуҳуҳий шартнома* ва б. Буларнинг ичидан *ҳуҳуҳий шартнома* терминини доминант, аниқроғи, гипероним деб танлаймиз. Демак:

Ҳуқукий шартнома (гипероним) гипонимлари:

корхонани сотии шартномаси сугурта шартномаси ўзаро ёрдам шартномаси...

Ўзбек тилининг юридик терминлари тадқиқидан қўйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Истиқлол даврида ҳуқуқшунослиқда, унинг барча соҳаларида жиддий ўзгаришлар рўй берди: янш Конституция қабул қилинди, кодекслар ишлаб чиқилди, қатор юридик ҳужжатлар тайёрланиб, амалд а қўллаб келинмоқда. Натижада ўзбек тилининг юридик терминологияси янада бойиди, эски терминларнинг кўпи янги мазмун кашф этди.

2. Ҳозирга юридик терминларнинг шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалади. Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк", Алишер Навоий асарлари, кейинчалик маҳаллий матбуотда ўз ифодасини топган терминлар шундан далолат беради. Мазкур манбаларда қайд этилган терминларнинг бир талайи ҳозирга ҳуқуқшунослиқда ҳам ишлатилмоқда.

3. Юридик терминологик система "ншҳсларни", "жиноят турлари"ни, "жиноий ишларни кўриш ҳаракатлари"ни, "судлов органлари"ни, "жазо жойлари"ни, "юридик ҳужжатлар"ни, "суд ҳукми"ни ифодаловчи терминлар мавзуй гуруҳларидан иборат.

4. Юридик терминология ҳам яхлит бир система ҳисобланади. Терминлар ўзаро муносабатйниг гипонимик, синонимик, антонимик каби турларининг мавжудлиги фикримизнингтасдигидир.

5. Юридик терминларнинг шаклланиши ва кейинги тараҳқиётида ички имкониятларни ўрни жуда катгадир. Терминларнинг — лик, —чи, -и(ш), -кор каби аффикслар ҳамда — нома, -хона сингари аффиксоидлар билан фаол равища ясалганлиги шуидан далолат беради.

6. Юридик терминологияда турли андозалар асосида ясалган жуда кўп бирикма терминларнинг ишлатилётганлиги дихҳатта сазовордир.

7. Юридик терминологик системасини чет тиллардан ўзлаштирилган терминларсиз тасаввур ҳилиш қийин. Бу жараёнда камроқ миҳдорда форс — тоҷикча, кўплаб арабча ҳамда русча — байналмилал манбаларнинг иштирокини алоҳида таъкидлаш лозим.

8. Ўзбек тилшунослигига, хусусан, лексикографиясида юриспруденция соҳаси бўйича 6 та луғат (терминологик, изоҳли, бир ва икки тилли) ҳамда 2

та ҳомуснинг нашр этилганлига ҳуқуқшуносликда терминологик жараён фаол экаилигии тасдиқлайди. Мазкур луғат ва қомуслар юридик терминолошяни тартибга солища мухим рол ўйнаб келди.

9. Луғатларнинг ютуқлари билан бир қаторда, айрим камчиликлари ҳам мавжуд. Луғатларга ҳуқуқшуносликка алоқаси бўлмаган, бироқ бошқа соҳаларга оид терминларнинг, шунингдек, феъл, сифат, равиш кабиларга оид сўзларининг киришлганлиги, терминларнинг уяли қилиб жойлаширилиши (буцдайхолаткеракли терминни топига жараёнини қийинлаштиради) каби камчиликлар шулар жумласиддиндир.

10. Ўзбек тили юридик терминологиясининг кейинги тараққиётини таъминлашда умумхуқуқий терминлар тезауруси мухим рол ўйнайди. Ўзбек лексикографиясида ҳаиузгача бирорта соҳавий терминологиянииг тезауруси тузилмагавлиги зътиборга олинса, бу ишнинг амалга оширилиши янгилик ва мухим омил эканлиш аён бўлади,

П. Умумхуқуқий тезауруснинг тузилиши ҳар томонлама аҳамиятга молик, чунки унда юриспруденциянинг барча соҳалари терминлари бир жойга жамулжам қилинади. Натижада юридик терминологияни тартибга солиши (масалан, синонимияни бартараф этиш), шу асосда турли—туман луғатлар яратиш имкони туғилади.

- Диссертацияни.нг ас-осий мазмуни қуйидаги ишларда акс эттирилган:
- ў 1. Фуломова Г.Ё. Ҳуқуқий атамашунослик ва тилшунослик// «Ҳуқуқ. Право. Ҷ. 1999. - №1. - Б. 72-75. бетлар.
 - 2 .Фуломова Г.Ё. Аниқлик — юридик терминологиясининг асосий мезони / Давлаттили муаммолари ва ечимлари. Илмий тўплам. — Т., 1999. 130— 139 — бетлар.

3. Ғуломова Г.Ё, Ўзбек ҳуқуқий терминологияси тараққиёт йўлида / Давлат ТИЛИ муаммолари ваечимлари. Илмий тўплам. — Т., 1999. 108—115—бетлар.
4. Ғуломова Г.Ё. Сўздан сўзниг фарқи бор // Халқ сўзи. 1999. — 16 апр. 4.
 - бет.
5. Ғуломова Г.Ё. Аниқлик — юридик терминологиянинг мезони // Ишонч. 1999. — окт. — 1 — бет. (К.Назаров хаммуал.)
6. Ғуломова Г.Ё. Транспортмиёнақлиёт? // Ҳаётвақонун. 2001. — №2. — 71 — 73. бетлар.
7. Ғуломова Г.Ё. Юридик терминларнинг аниқлиги қонун самарасини оширувчи омилдир / Респ. ФТДК бюлл. 2001. — №1. 107—110. — бетлар.
8. Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологияси бўйича баъзи фикрлар // Ҳаётвақонун. 2001. — №9. — бет.
9. Ғуломова Г.Ё. Тил — ҳукуқнинг яшаш шарта // Ҳуқуқ. 2002. — окт. 2. — бет.
10. Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминларини тартибга солиши масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002. — №1. 66 — 68. — бетлар.
11. Ғуломова Г.Ё. Истиқлол ва ўзбек ҳуқуқий терминологияси // Қонун. 2002. - №11. 36 - 38. - бетлар.
12. Ғуломова Г.Ё. Ҳозирги ўзбек юридик терминологиясининг баъзи муаммолари ҳақида // ОЎЮ тил ва адабиёт фанларини ўқитишининг назарий ваамалий жиҳатлари. — №3. — Т.: ТДЮИ, 2002. — 12—14-бетлар.
13. Ғуломова Г.Ё. Конституция ва ўзбек юридик терминологияси. Рисола. - Т.: ТДЮИ, 2002. - 3 б.т.
14. Ғуломова Г.Ё. қонуншуносликда атамаларнинг аҳамияти // Мулоқот. 2002. — янв., февр. — №1. 28 — 29. —бетлар.
15. Ғуломова Г.Ё. Конституция ва қонунчилик техникаси // «ЎзР Конституцияси фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг асоси» илмий—амалий анжуман матер. — Т.: ТДЮИ, 2003. — 255 — 259—бетлар.
16. Ғуломова Г.Ё. Аниқлик — юридик тилнинг асоси. ОЎЮ адабиёт фанларини ўқитишининг назарий ва амалий жиҳатлари. — №5. — Т.: ТДЮИ, 2003. — 185—188—бетлар.
17. Ғуломова Г.Ё. Конституциямиз миллий маънавий қомусдир. ТДЮИ илмий тўплами. 2003. — дек. 289—291—бетлар.
18. Ғуломова Г.Ё. Тушунча ва услугуб уйғунлиги // Инсон ва қонун. 2003. — 23авг. 3. — бет.
19. Ғуломова Г.Ё. Лугатчилик ривожланиш йўлида // Маърифат. 2003. — 3 авг. 2. — бет.
20. Ғуломова Г.Ё. Ўзбек лугатчилиги муаммолари ҳақида. ОЎЮ тил ва адабиёт фанларини ўқитишининг назарий ва амалий жиҳатлари. — №7. — Т.: ТДЮИ,
2004. 66 — 70 — бетлар.
21. Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг тараққиёт

омиллари/ / ТДЮИ «Язъш и культура» илмий тўплами. 2004. 20 — 21 — бетлар.

22. Ғуломова Г.Ё. Қонунчиликда терминлар аҳамияти. Тил ҳуқуқи — эл ҳуқуқи. // ТЮДИ илмий тўплами. 2004. 39 — 42 — бетлар.

Филологая фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Ғуломова Гулнора Ёқубовнанинг 10.02.02 — ўзбек тили ихтисослиги бўйича «Ўзбек юридик терминологиясининг истиқол даври тараққиёти» мавзусидаги диссертациясининг

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Очқич терминлар: юридик терминология, терминологик система, мавзуй гурух, гипонимик муносабат, синонимик алоқа, вариантдорлик, терминлар ясалиши, юридик луғатлар, тезаураси.

Тадқиқот обьекти: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари ва қонунлари, юридик дарслик, қўлланмалар, луғатлар, қомуслар.

Ишнииг мақсади: ўзбек тилининг юридик терминологиясини система сифатида тадқиқ этиш, унинг мавзуй гурухларини, терминларнинг гипонимик, синонимик ва антонимик муносабатларини аниқлаш, юридик луғатларнинг моҳиятини очиб бериш, юридик тезаураси тузиш масаласини ўртага кўйиш.

Тадқиқот методи: қузатиш ва қиёслаш, обьектни система сифатида тадқиқ этиш, тавсифий, қисман тарихий, билишнинг умумилмий усули.

Эришилган натижалар ва уларнинг янгилиги: ўзбек тилшунослигида юридик терминология илк бор система сифатида систем лексикологиясининг терминлар ўзаро муносабати ҳақидаги таълимоти асосида тадқиқ этилди, тадқиқот обьектининг мавзуй гурухлари, терминлар ясалиши масалаларига аниқлик киритилди, юридик лугат ва қомуслар таҳлил қилиниб, юридик тезаураси гузиш масаласи кўтариб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: эришилган натижа ва холосалар ўзбек тили лексикологияси ва терминологиясининг, юрислингвистиканинг назарий асосларини тўлдириш, тезаураси тузиш учун хизмат қиласи.

Тадбиқ этилиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Ишнииг назарий асослари олий ўқув юртларининг филология, юридик факультетлари ва ўқув юртларида маҳсус курслар ташкил этиш, курс ҳамда диплом ишларини бажаришда қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

Диссертацияда фойдаланилган материаллар умумий ёхуд соҳавий (хусусан, юридик) луғатлар, тезаураси тузиш, юриспруденцияга доир дарслик ва қўлланмалар яратиш учун хизмат қила олади.

Қўлланиш соҳаси: қонунларда ишлатилаётган²³ терминларни такомиллаштириш, юридик тил назариясини ўқитиш, соҳавий дарслик ва қўлланмалар яратиш, юрист мутахассислар нутқини ўстиришда фойдаланилади.

Р Е З Ю М Е

Диссертации Гулямовой Гулнары Якубовны на тему «Развитие узбекской юридической терминологии в период независимости» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по

специальности 10.02.02 - узбекский язык

Ключевые термины: юридическая терминология, терминологическая система, тематические группы, гипонимические отношения, синонимические связи, варианность, образование терминов, юридические словари, тезаурус.

Объект исследования: Конституция, кодексы и законы Республики Узбекистан, учебники и учебные пособия, словари по юриспруденции.

Цель работы: исследование юридической терминологии узбекского языка как системы, выявление тематических групп данной терминосистемы, изучение гипонимических, синонимических и антонимических взаимоотношений терминов, установление роли юридических словарей, внесение вопроса о составлении тезауруса юридических терминов.

Метод исследования: наблюдение и сопоставление, исследование юридических терминов как системы, частично исторический. Общенаучный способ познания.

Полученные результаты и их новизна: впервые в узбекском языкознании изучена юридическая терминология как система на основе учения системной лексикологии о взаимосвязи терминов, внесены ясность в определении тематических групп и на вопрос образования юридических терминов, анализированы словари по юриспруденции, обоснована необходимость создания тезауруса юридических терминов.

Практическая значимость: полученные результаты и заключения могут быть применены для дополнения теоретической основы лексикологии, терминологии, юрислингвистики, составления тезауруса юридических терминов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: теоретические основы работы могут быть применены для организации специальных курсов в филологических, юридических факультетах высших учебных заведений, использование как руководство в осуществлении курсовых и дипломных работ.

Материалы, использованные в диссертации могут оказать непосильную помощь для составления общих или отраслевых (в частности, юридических) словарей, тезауруса для составления учебников и учебных пособий по юриспруденции.

Область применения: упорядочение терминов, употребляемых в законах, отраслевых учебниках и учебных пособий, усовершенствование речи специалистов по юриспруденции.

RESUME

Thesis of Gulyamova Gulnara Yakubovna on the academic degree competition of the candidate of Philology science, specialty 10.02.02 — Uzbek language "Development of Uzbek juridical terminology in the period of Independence"

Key words: juridical terminology, terminological system, thematic groups, hyponymical relations, synonymous links, variability, formation of terms, juridical (law) dictionaries, thesaurus.

Subject of the inquiry: Constitution and Laws of the Republic of Uzbekistan, text —books and educational supplies, juridical (law) dictionaries.

Aim of the inquiry: Exploration of juridical terminology of the Uzbek language as a system, revealing of thematic groups of the given terminological system, studying of hyponymical and synonymic relations of terms, defining of the role of the juridical (law) dictionaries, putting forward a question of compiling a thesaurus of juridical terms.

Method of inquiry: observation and comparative analysis, exploration of juridical terms as a system, partially historical analysis; general scientific method of cognition.

The results achieved and their novelty: For the first time in the Uzbek language the juridical terminology has been studied as a system, based on the concept of system lexicology ⁰¹¹ the interrelationships of terms; clarified the definition of thematic groups and formation of juridical terms; juridical (law) dictionaries have been analyzed; the necessity of compiling the thesaurus of juridical terms has been substantiated.

Practical value: The obtained results and conclusions of the research could be used for contributing theoretical basis of lexicology, terminology, law linguistics, compiling the thesaurus of juridical terms.

Degree of embodiment and economic effectiveness: theoretical basis of the dissertation could be used for organization of special courses in philological and law (juridical) faculties of higher educational institutions and could be applied as guidance in writing of course and diploma papers.

The materials used in the dissertation could be of some help in compiling general or specialized (in particular, juridical) dictionaries, for creation of text —books and educational supplies on law studying.

Sphere of usage: putting in order the terms used in writing laws, specialized text —books and educational supplies, perfection of spoken language of law specialists.

¹ Кошгариј Махмуд, Девоиу луготит турк. I —III томлар. — Т., 1960 — 63.

¹ Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. — Т.: Фан, 1977.— 57 —бет.

¹ Лл.абнй тилда адолатсиз инсофсиз сўзи билан синонимлашади. Бироқ юрқдик терминологияда инсофсиз ҳукм қабилидаги термин ишлатилмайди.